

## **ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИШ, БЕВОСИТА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ГАРОВИДИР**

**Джўрабоева Зироатхон Рахимбердиевна**

Қўқон давлат педагогика институти Факультетлараро педагогика ва психология  
кафедраси ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада халқаро баҳолаш дастурларида муваффақиятли иштирок этиш, бевосита таълим сифатини ошириш билан боғлиқлиги, унда иштирок этиш, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятида ўқувчиларнинг ўқув дастурларини ёдда сақлаб қолганлигини баҳолашдан уларнинг компетенцияларини баҳолаш, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиш методикаси ва дастурларини PISA халқаро баҳолаш дастури талабларига мослаштириш, PISA халқаро баҳолаш дастури бўйича давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ташиқлотлар грантлари танловлари, хўжалик шартномалари асосида самарали илмий фаолиятни ташиқил этиш тўғрисида тўхталган.*

**Калит сўзлар:** глобаллашув, жараён, халқаро баҳолаш, таълим сифати, дастур, грант, илмий ташиқилот, илмий фаолият, ислоҳот.

## **УСПЕШНОЕ УЧАСТИЕ В МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРОГРАММАХ ОЦЕНИВАНИЯ ЯВЛЯЕТСЯ ПРЯМОЙ ГАРАНТИЕЙ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ**

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье успешное участие в международных оценочных программах напрямую связано с повышением качества образования, участием в нем не только в Узбекистане, но и в мировом сообществе, с оценкой сохранения обучающимися учебный план, свои компетенции, методику и программы обучения в высших учебных заведениях, осуществляющих подготовку педагогов, адаптацию PISA international к требованиям программы оценивания, государственные научно-технические программы в рамках международной программы оценивания PISA, грантовые конкурсы международных научных организаций, организация эффективной научной деятельности на основе хозяйственных договоров.*

**Ключевые слова:** глобализация, процесс, международная оценка, качество образования, программа, грант, научная организация, научная деятельность, реформа.

## **SUCCESSFUL PARTICIPATION IN INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAMS IS A DIRECT GUARANTEE OF IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION**

### **ABSTRACT**

*In the article, successful participation in international assessment programs is directly related to improving the quality of education, participation in it not only in Uzbekistan, but also in the world community, with an assessment of the preservation of the curriculum by students, their competencies, methods and training programs in higher educational institutions, training teachers, adapting PISA international to the requirements of the assessment program, state scientific and technical programs within the framework of the international PISA assessment program, grant competitions of international scientific organizations, organizing effective scientific activities on the basis of business contracts.*

**Key words:** globalization, process, international assessment, quality of education, program, grant, scientific organization, scientific activity, reform.

### **КИРИШ**

Глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган трансформацион даврда жаҳондаги таълим тизими ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда шиддат билан ривожланишни тақозо этмоқда. Таълим орқали эса жамиятда келажакдаги вазифаларни бажаришга кодир булган янги авлод шакллантирилади. Дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи "PISA"<sup>1</sup> (Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), PIRLS<sup>2</sup> (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), TIMSS<sup>3</sup> (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби қатор халқаро дастурлар мавжуд бўлиб, улар ривожланган давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги асосий мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Сунгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида улкан иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилаётганлиги сабабли барча соҳаларда малакали кадрлар ва етук мутахассисларга бўлган талаб янада ошмоқда. Бу ўз-ўзидан ўқувчиларимизнинг дарсларга қизиқиш хусусиятларини ошириш ва ўқитувчиларнинг ҳар томонлама таълим -тарбиясига эътиборини

кучайтиришни талаб этади. Мамлакатимизда давлат ҳамда жамият аҳамиятига молик долзарб масалалар билан бир қаторда, таълим сифатини ошириш ва халқаро баҳолаш жараёнларига муносиб тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA халқаро баҳолаш дастурининг рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш устувор вазифа этиб белгиланган эди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида дунёда таълим сифатини баҳолаш бўйича етакчилик қилиб келаётган халқаро баҳолаш дастурлари, жумладан, TIMSS, PISA ва PIRLS дастурларида иштирок этишга киришилди. Халқаро баҳолаш дастурларида муваффақиятли иштирок этиш, бевосита таълим сифатини ошириш билан боғлиқдир. Унда иштирок этиш, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятида ўқувчиларнинг ўқув дастурларини ёдда сақлаб қолганлигини баҳолашдан уларнинг компетенцияларини баҳолаш, яъни мактабда эгаллаган билимларини реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиши, ижодий ва мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ва уни баҳолашга ўтишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг TIMSS, PISA ва PIRLS тадқиқотлари ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, халқаро тадқиқотларга тайёргарлик даражасини ошириш, ўқувчиларнинг ижодий ва мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, шу орқали таълим сифатини оширишга ҳисса қўшиш мақсадида Таълим инспекцияси, унинг ҳузуридаги Миллий марказ ҳамда халқ таълими тизимидаги мутахассислар билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга ошириляпти. Халқаро тадқиқотлар бўйича кўплаб мактабларда PISA саволлари негизида дастлабки тажриба-синовлар ўтказилиб, минглаб ўқувчилар қамраб олинди. TIMSS дастури саволлари негизида Жаҳон банки билан ҳамкорликда республикамиз мактабларда тадқиқот ўтказилиб, ўқувчиларнинг математик саводхонлиги баҳоланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига

-педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиш методикаси ва дастурларини PISA халқаро баҳолаш дастури талабларига мослаштириш;

-халқаро тадқиқотлар йўналишдаги фанлар бўйича мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларининг ўқув дастурларига халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориш;

-битирувчи талабаларни умумий ўрта таълим муассасаларига ишга келишда PISA халқаро баҳолаш дастурига тайёр ҳолда келишларини таъминлаш;

-илғор хорижий давлатлар тажрибасини жорий этиш бўйича PISA халқаро баҳолаш дастури йўналишидаги фанлар ўқитувчилари учун қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш;

-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

-тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда PISA ва TALIS халқаро дастурлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;

-умумий ўрта таълим муассасаларидаги иқтидорли педагог кадрларни PISA халқаро баҳолаш дастури бўйича илмий тадқиқотларга жалб қилиш;

-PISA халқаро баҳолаш дастури бўйича давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ташкилотлар грантлари танловлари, хўжалик шартномалари асосида самарали илмий фаолиятни ташкил этиш вазифалари юклатилади.

Ўзбекистонда халқаро PISA баҳолаш дастурига тайёргарлик кўриш ва мактаблардаги таълим сифатини яхшилаш учун бугунги кунда Финляндия тажрибасини ўрганмоқда. Сабаби Финляндия кейинги йилларда таълим бўйича халқаро мусобақаларда юқори натижаларни кайд этиб келмоқда.

## **ХУЛОСА**

Хулоса килиб айтганда, халқаро баҳолаш дастурларида муваффақиятли иштирок этиш, бевосита таълим сифатини ошириш билан боғлиқдир. Унда иштирок этиш, нафакат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятида ўқувчиларнинг ўқув дастурларини ёдда сақлаб қолганлигини баҳолашдан уларнинг компетенцияларини баҳолаш, яъни мактабда эгаллаган билимларини реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиши, ижодий ва мантикий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ва уни баҳолашга ўтишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

## **АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.12.2018 даги 997-сон "Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти томонидан ўтказиладиган PISA va TALIS халқаро тадқиқотларида иштирок этиши тўғрисида"ги Қарори Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.12.2019 й., <https://lex.uz/docs/4097073>
3. Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш мавзусида қўлланма // Наманган вилоят Халқ таълими бошқармаси, Таълим сифати мониторинги бўлими, 2019, Б.30
4. Bildungsmonitoring Schweiz: Für das Leben gerüstet? Die Grundkompetenzen der Jugendlichen-Nationaler Bericht der Erhebung // „PISA“ 2000.-182 pages.
5. Elley W. The IEA study of reading literacy : reading and instruction in thirty-two school systems// Oxford : Pergamon Press-1994, p. 165.
6. Lehmann P. Aspekte der Lernausgangslage und der Lernentwicklung//
7. <https://bildungserver.hamburg.de/contentblob/2815702/3b66049d4257501a0d44dce9b7ca449c/data/pdf-schulleistungstest-lau-5.pdf>; jsessionid=62E8A57800CF6E578B53EF2 92C54AB46.liveWorker2, 1999.- 76 pages.
8. PISA2009// [https://www.oecd.org/"PISA"/"PISA"products/46619755.pdf](https://www.oecd.org/), 2009.- p. 3-9.
9. Reiss K., Weis M., Klieme E., Köller O. „PISA“ 2018 Grundbildung im internationalen Vergleich// Waxmann Verlag 2019, p. 267.
10. Sacher W. Jenseits von PISA//Auer Verlag Schule und Unterricht-2005, p.110.
11. Feruza Aminovna Turakulova. Mechanisms for directing the choice of a profession in the process of qualification practice. BioGecko Vol 12 Issue 03 2023 ISSN NO: 2230-5807 A Journal for New Zealand Herpetology 5101-бет
12. <https://www.PISA4u.org/> / 01.06.2020
13. <https://uza.uz/oz/education/maktablar-reytingi-ta-lillarda-30-08-2019>